

# МИЛЛАТНИНГ ДАРДИГА ДАРМОН БЎЛИБ



Навоий – 2014 йил

## МУНДАРИЖА:

Х.Ибрагимов Д.Шодиева	Халкимиз даҳосининг тимсоли	3
М. Исҳоқов	Буюкликнинг тарихий ва маънавий илдизлари. “Темур тузуклари”ни варақлаб	6
Қ.Ражабов	Турон салтанатининг давлат бошқаруви	10
С.Иноятов	Турон ва Ўзбекистонда давлат бошқаруви: тарихий ўхшашликлар	12
Ҳ. Тўраев	Мусо Саиджонов илмий меросида темурийлар даври	16
Ғ.Темиров З.Турдиев	Амир Темур даврининг “Самарқандлик” олимлари	18
Ш.Ҳайитов	Соҳибқирон Амир Темур ва Захириддин Муҳаммад бобур	20
Н.Сафарова	Амир Темурнинг сиёсий фаолиятида муроса тамойили	25
Ж. Мирзаев	Термиз Археология музейида Амир Темур ва темурийлар даври	27
Р.Қаршиев, Ҳ.Раҳмонов	Амир Темур даврида илм – фан равнақи	29
Х.Курбонов	Амир Темур маънавиятининг тасаввуфий тамойиллари	32
К.Раҳмонов	Соҳибқирон Амир Темур ва Дмитрий Донской	34
С.Давлатова	Темурийлар даври кийиниш маданияти	36
Б.Ризаев	XX аср 20 – йиллари матбуотидаги темурийлар даврига оид бир мақола хусусида	38
З.Қорғондиев	Бобурий ҳукмдорларларнинг соҳибқирон Амир Темурга эҳтироми	40
Б. Арифханов	Амир Темур – буюк саркарда	43
М.Орзиев	Темурий ҳукмдор ва улуг аллома Мирзо Улугбекка эҳтиром ...	45
К.Мастонов, Б.Каримов	Европа темуршунослик мактаблари тарихига бир назар	48
Д.Зияева	“Темур тузуклари” ва ҳозирги замон	50
Ф.Ширинова	Амир Темур ва темурийлар даврида фан маданияти	52

Ш. Искандаров	Амир Темур ва темурийлар даврида Жейнов арабларининг миграция билан боғлиқ айрим мулоҳазалар	55
Ф. Ибрагимова	Амир Темур давлатининг ижтимоий-маданий сиёсати	57
Х. Арипова	Эпоха Амира Темура в краткой историографии	59
Саид Болта-Зода Саидий	Сохибирон Амир Темур ва темурийлар даври харбий мусикий чолгулари концепцияси тарихи	62
Г. Ражабова	Мирзо Улуғбек ва унинг астрономия мактаби	65
Ф. Ходжиева	Темур ва темурийлар даврида маориф масалалари	66
Р. Толибов, С. Толибова	Темурийлар даври тарихига оид муҳим манба	69
Д. Ахатова	Амир Темур ва темурийлар даврида мактаб ва таълим-тарбия мазмуни	71
Ҳ. Ахатова	Темурийлар даври мадрасаларида таълим мазмуни	74
Х. Аликулова, С. Санайева	“Амир Темур ва темурийлар давлати” бобини ўқитишда интерфаол методлар орқали самарадорликка эришиш	76
Д. Муродова	Президент Ислом Каримов Амир Темур тўғрисида	77
Ж. Ҳайитов	Ғалабаси шарафига боғлар барпо эттирган ҳукмдорлар	78
З. Елемесова	Туркий халқлар тарихида буюк из қолдирган шахс	80
Ш. Ҳасанов	Амир Темур даврида халқнинг ижтимоий-иқтисодий аҳволи	82
Д. Каримова Ш. Бобоёров	Амир Темур давлатида бошқарув ва маънавий ҳаёт	83
Д. Муртазаев	«Уложения Темура» и его историческое значения	85
Ш. Шарипов Н. Халилова	Шохрух Мирзо ва мирзо улуғбек давридаги иқтисодий ислохотлар	89
Ш. Шарипов,	Амир Темурнинг иқтисодий қарашлари	91

оригиналлиги билан кишини хайратга солиди. Ўз замонасининг машхур расмони ва ўта ноёб қобилият эгаси Камолиддин Бехзод тахминан 1455 йилларда Хиродда туғулади. Ота-онадан ёшлигида етим қолган Бехзодни Хусайн Байқаро китобдори Мирак Накқош ўз тарбиясига олади. Алишер Навоий қобилияти Бехзодга ҳар томонлама ёрдам қўлини чўзади. Бехзод 1510 йилгача Хиротда яшайди. Кейинчалик Азарбайжонга кэтади. У ерда Бехзод Сафовийлар пойтахти кутубхонаси ва санъаткорларнинг бошлиғи етиб тайинланади. Бехзод шу йерда тахминан 1533-1537 йил вафод этади. Камолиддин Бехзод ўзининг хайратомус рассомчилик санъати билан “Монийи соний” (иккинчи Моний) ва “Шарқ Рафасли” номи билан жаҳонга машхур бўлган. Камолиддин Бехзод томонидан яратилган. Шоир Абдулло Хотифий, Хусайн Байқаро, Шайбонийхон партредлари, Саддийнинг “Бўстон” китоби ва Низомийнинг “Хамса”сига ишланган расмлар бизгача етиб келган ва у ҳозир халқнинг нодир ёдгорликлари сифатида Тошкент, Санкт-петрбург, Лондон, Техрон, Қобул ва бошқа шаҳарларнинг музей ва кутубхоналарида сақланмоқда.

**Мусика санъати.** XIV-XV асрлар Ўрта Осиё халқларининг мусика санъати тараққиётида ҳам янги ва махсулдор бир босқич бўлди. Бу даврда янги куй, кўшиқлар, чолғу асбоблари ва мусика назариясига доир нодир асарлар яратилди. Жуда кўп маҳоратли созандадар, бастакорлар ва хофизлар етишди. Абдуқодир Наний, Қулмуҳаммад Шайхий, Хусайн Удий, Шохқули Фижжакий, Қосим Раббоний ва бошқалар шулар жумласидандир. Алишер Навоий ўзининг “Мезонул - Авзон” асарида халқ кўшиқчилигининг 8 тури ривожланганини қайд этади. Мусика санъати аҳилларининг ижодий фаолияти билан IX-XII асрларда вужудга келган дуозда маком бу даврда янги тараққиёт поғонасига кўтарилди, такомиллашди ва янги куйлар билан бойиди. Темур ва Темурийлар даврида ўлкамизда фан ва маданият барқ уриб ўсди, ривожланди ва камол топди. XIV-XV асрларда она диёримиз жаҳон цивилизациянинг энг олдинги сафларидан жой олди. Шундай қилиб, Амир Темур ва темурийлар даври ватанимиз халқларининг ҳаётий тақдирида уларнинг ижтимоий тараққиётнинг юксак мараларга кўтариб бориши давомида ўчмас из қолдирган алоҳида бир тарихий босқич бўлди. Энг муҳими бу давр Амир Темурдек буюк сиймонинг тарих майдонига чиқарди. Бу зоти шараф ва унинг авлодларининг мислисини сайи -характлари бунёдкорлик фаолияти туфайли Моворауннаҳр ва Хуросон ўлкалари улкан ўзгаришларга юз тутди. Моғулларнинг бир ярим йиллиқ босқини ва зулм-асоратидан бутунлай халос бўлган она юртимиз қудратли салтанат даражасига кўтарилди. Айни чоғда, ижтимоий – иқтисодий, маданий –маънавий жиҳатлардан юксалиб жаҳонга довруғ таратди. Улуғ аждодларимиз томонидан яратилган моддий ва маънавий маданиятнинг юксак намуналари дуру-жавоҳирлари мана неча асрларки жаҳон асрини хайратга солиб миннатдар авлодлар ардоғида эъзозланиб келинмоқда.

## АМИР ТЕМУР ВА ТЕМУРИЙЛАР ДАВРИДА ЖЕЙНОВ АРАБЛАРИНИНГ МИГРАЦИЯ БИЛАН БОҒЛИҚ АЙРИМ МУЛОҲАЗАЛАР

Ш. Искандаров, Тошкент Ахборот Технология Университети.

XX аср охир XXI асрнинг бошларида дунё харитасида ўзига хос туб Ўзбекистон худудида яшаб, келаётган халкларнинг қадимий тарихи ва илк ўрта асрлар даври тарихи, хусусан, араб халкларининг этномаданияти ва анъанавий маросимлари ўзига хос хусусият ксб этади.

Амир Темурнинг “Қайси мамлакатни забт этган бўлсам, ўша ернинг обрў-эътиборли кишиларни азиз тутдим, саййидлари, уламолари фузало ва машойихига таъзим бажо келтирдим ва хурматладим. Уларга суюрғол, вазифалар бериб, маошлар белгиладим, ўша вилоятнинг улуғларини оғаниларимдек, ёшлари ва болаларини бўлса ўз фарзандларимдек, кўрдим” деган тузукотдаги фикрлари доимо амалиётда бўлган.

Амир Темур ўзга араб юртларини истило қилгандан кейин, жанг майдонларидан асир тушганларни, шахар ва кишлокларнинг саййидлари, уламою машойих, тарихчиларию олимларини, шоирларию санъаткорларини, меъмору курувчиларини хунарманду усталарини уларнинг оила аъзолари билан бирга Мовароуннахрга олиб келган<sup>1</sup>.

Амир Темур томонидан Мовароуннахрга кўчирилган аҳоли таркибига эътибор қаратган элшунос олим К. Шониёзов араблар масаласига ҳам тўхталиб кўйидагича ёзади. “XIV- XV асрларда Мовароуннахрда илк ўрта асрлар ва ундан кейинги асрларда келиб жойлашиб қолган араблар ҳам яшар эдилар. Араблар асосан Бухоро воҳасида Бухоро шахрида, Самарқанд ва Каттақўрғон атрофларида, ҳозирги Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида тарқок ҳолда яшаган”.<sup>2</sup> Марказий Осиёга арабларнинг иккинчи миграцияси Амир Темур даврига тўғри келиб улар асосан Арабистон ярим ороли ва унга туташ худудлардан хусусан, Сурия ва Ироқдан кўчириб келтирилган аҳоли бўлиш эҳтимоли юқори<sup>3</sup>. Арабларнинг минтақанинг ички худудларига кириб келишининг навбатдаги даври сўнгги ўрта асрларга бориб такалади. Гарчи бу давр арабларнинг ўз тарихий ватан Олд Осиё ёки Арабистон билан тўғридан-тўғри алоқаси бўлмасида, уларнинг ислом дини илк тарқала бошлаган давр VII-VIII асрлардан буён Хуросон ва Шимолий Афғонистонда яшаб келаётган авлодлари Амударёни кечиб ўтиб, ҳозирги Ўзбекистонмизнинг марказий худудларида янги макон тута бошлаган эди.<sup>4</sup>

Ўрта Осиёга арабларнинг миграциясини кейинги босқичи Амир Темур даврига келиб кузатилган. Араблар Арабистон яримороли ва унга туташ худудлардан хусусан, Сурия ва Ироқдан кўчиб келтирилган аҳоли бўлиши эҳтимоли юқори ҳисобланади<sup>5</sup>. Ўрта Осиёга араблар Темур даврида

<sup>1</sup> Ражабов Р. Ўзбекистондаги араблар тарихи ва этнографияси Т. Шарқ. 2012. Б. 96

<sup>2</sup> Шониёзов. К. Ўзбек халқининг шаклланиш жараёни. Т.: Шарқ. 2001. Б. 400.

<sup>3</sup> Мадамиджанова З. Арабы Южного Таджикистана. Душанбе., 1996. С. 27 - 31.

<sup>4</sup> Дониёров. А. Буриев О. Аширов. А. Марказий Осиё халқлари этнографияси, этногенези ва этник тарихи. Т.: Yangi nashr. 2011. Б. 204-205.

<sup>5</sup> Ражабов Р. Ўзбекистондаги араблар тарихи ва этнографияси Т. Шарқ. 2012. Б. 97.

Афғонистон ҳудуддан кўчиб келиб жойлашган. Хусусан, Жонибек султоннинг Балх, Шибирғон ва Андхуй аҳолисини ўз мулкига тушган Зарафшон воҳасини кўчирганлиги, улар орасида Афғонистонлик араблар ҳам бўлганини тасдиқлайдиган далиллар учрайди<sup>1</sup>.

Ўзбекистоннинг араблар компакт ҳолда яшовчи аҳоли масканларидан бири Қашқадарё вилояти Миришкор туманидаги Жейнов қишлоғи ҳисобланади. Форсча жўй (ариқ анҳор) ва нав (янги) сўзларидан таркиб топган<sup>2</sup>.

Қадимда Жейновда Харрук, Каттапо, Гавҳар, Чуқуркўл, Оқрабод, Боввора, Тожиқ, Беглар, Аввона деб номланган жами 9 та маҳалладан иборат бўлган. Ҳозирда эса улардан 4 та Янги Жейнов, Аввона, Каттапой, Андхуй каби номлари билан аталади.

Юқорида номлари зикр этилган жой номларини пайдо бўлишини Амир Темур даври билан боғлашади. Бу борада маҳаллий аҳоли орасида икки хил таъриф мавжуд. Биринчиси, Аввона, Боввора, Харрук уруғлари Амир Темур даври миграция натижасида келиб қолган деб таъкидлашади. Ахборотчиларнинг маълумотларига кўра, Андхуй уруғи эса Афғонистон ҳудуди орқали Жейнов келиб жойлашган. Иккинчи тахминга кўра, Боввора уруғи Жейнов қишлоғига Бухоронинг Қоракўлдан келиб жойлашган бўлиши мумкин.

Жейновда яшовчи арабларнинг келиб жойлаши тўғрисида турли хил фикр-мулоҳазалар билдирилган. Тадқиқотлар натижасида бизга маълум бўлдики, араблар Жейнов ҳудудига келиб ўрнашишлари XIV асрда ҳукмронлик қилган бобокалонимиз Амир Темур номи билан боғлиқдир. Буни қуйидагича изоҳлашимиз мумкин;

*биринчидан*, Амир Темур араб ерларни забт этганидан сўнг, у ердаги маҳаллий арабларнинг катта қисмини Ўрта Осиёни турли ҳудудларига келтириб жойлаштиради;

*иккинчидан*, Афғонистондаги Хуросон ҳудудларида яшовчи араблар Амир Темурга бир неча бор қаршилик кўрсатади. Шу сабабли уларни саҳрога ҳайдашни амр қилади;

*учинчидан*, Арабистон ёки Афғонистондан арабларни кўчириб келаётганда Амир Темур саркардалари шу ҳудудда бир неча кун айланиб юришади ва Темурнинг саркардалар бўлган вазиятини етказишади. Темур бу ҳодисадан сўнг арабларни ўша ерда ўтов тикиб яшашларини амр қилади. Шундан сўнг араблар шу ерда муқим яшаб ўтроқлашади;

*тўртинчидан*, Араблар ҳақида халқ ўртасида яна бир ривоят жуда кен тарқалган. Арабларнинг пири Султон Мирҳайдарбобо Амир Темурни замондоши бўлган. Бу тўғрисида тарихий манбаларда маълумотлар учрайди. Баъзи манбаларда Султон Мирҳайдарбобо Амир Темурни куёв деб таъкидлашади.

<sup>1</sup> Волин, С.Л. К истории средне азиатских арабов Труды второй сессии ассоциации арабистов. // Труды Института востоковедения АН СССР вып. 36. М.-Л., 1941. С. 126.

<sup>2</sup> Қораев. С Ўзбекистон вилоятлар топонимлари. Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 2005. Б. 183.

<sup>3</sup> Саидов М, Равшононов П, Жейнов тарихи Т.: Абу Али Ибн Сино номидаги тиббиёт нашриёти. 1996. Б. 50.

Қуйидаги социологик сўров натижаларида ана шундай фаркли хусусиятлар яққол кўзга ташланади. Ўзбекистондаги яшаб келаётган халқлардан бири бу араблари бўлиб, уларнинг Ўрта Осиё халқлари тарихи ва этнографияси билан маълум маънода боғлиқдир. Респондентлардан ўтказилган сўровномамиз қуйидагича савол берилди. Яъний “Сизлар Ўрта Осиё қайси даврдан бошлаб келиб жойлашган сизлар?” деб сўраганмизда уларнинг аксарияти қисми “VII асрда келиб жойлашган” лиги 38 фоиз ни ташкил этган бўлса-да, 1 фоиз “Афғонистондан” кўчиб келиб жойлашганлиги эътироф этишган. Респондентнинг 43 фоиз “Амир Темури” даврида олиб келинганлиги эътироф этишган. Аммо арабларида яна бир ҳолат бизни сўровларимиз натижасида кизиқтириб қўйдик, уларнинг 18 фоиз уларни қачон ва қайси ердан кўчиб келганлиги тўғрисида аниқ бир фикр билмайман деб эътироф этишди. Ўзбекистон арабларининг вақтлари ўтиш билан ўз миллий маданиятини ва этник ўзлигини англаш хисси камайиб ўзбеклашиш жараёни жадал равишда бораётганлигидан далол беради. Ўзбекистоннинг бир неча вилоятларида араб қишлоқлари жойлашган. Ўтказилган дала тадқиқотлари давомида арабларнинг келиб жойлашиш ўрни ва уларнинг ўзига хос бўлган маълум жиҳатлари таҳлил этилди. Йирик қишлоқларда истикомат қилиб келишган. Масалан: Жейнов, Жугари, Чахдари, каби қишлоқларнинг аҳолисининг асосий қисми араблардан иборатдир.

Умуман Ўзбекистондаги барча араблар характерида бир ҳолатни кузатиш мумкин. Уларда саҳройи бадавийларга хос қизиққонлик ва жангарилик хислатлари сақланиб қолган.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаши мумкинки, Ўзбекистонда яшаб келаётган халқларидан бири арабларининг катта қисми Амир Темури даврида кўчириб келинган. Жумладан араблар қадимий Арабистон яримороли ва Ироқ ва Сурия худудидан кўчирилган.

## АМИР ТЕМУР ДАВЛАТИНИНГ ИЖТИМОЙ-МАДАНИЙ СИЁСАТИ

**Ф.Ибрагимова, Тошкент молия институти катта ўқитувчиси.**

XIV асрнинг ўрталарида сиёсий майдонга чиқиб, Мовароуннаҳрда бир ярим аср давом этган мўғул хонлари зулми ва истибдодига барҳам берган, қучли марказлашган давлатга асос солган, Амир Темури, нафақат сиёсий ва харбий жиҳатдан балки жаҳон маданият хазинасини моддий ва маънавий жиҳатдан ҳам бойиб такомиллашишига катта қисса қўшиб, тарих саҳифаларида умрбод қолди.

Амир Темури мамлакатни ободонлаштириш борасида бир қанча хайрли ишларни амалга оширди. 1371-1372 йиллари пойтахт Самарқанднинг бузилиб ётган деворларини, Шахристон ва унинг олти дарвозаси: Шахзода, Оханин, Феруза, Сўзангарон, Коризгоҳ, Чорсуларни тиклаб, обод қилди. Темурнинг амри билан Самарқанд арки ичида тўрт қаватли иккита улкан сарой – Қўксарой ва Бўстонсарой қурилди. Машхур Рухобод (Бурхониддин Соғаржий мазори),